



# Ishonch

**Моҳият**  
**Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажакимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.**  
 — Ислоҳ КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси нашри

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan

## Юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодаси

Жорий йилнинг 16-24 октябр кунлари Аргентинанинг Креспо шаҳрида футбол бўйича ноғирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ноғиронлар терма жамоаси кетма-кет иккинчи марта жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 3 ноябрда қабул қилинган фармонида биноан терма жамоаси аъзоларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Тошкентда жаҳон чемпионлари — футбол бўйича Ўзбекистон ноғиронлар терма жамоасини сарфлаш маросими бўлди.

Унда футбол бўйича Ўзбекистон ноғиронлар терма жамоаси бош мураббийи Рустам Қориев ва футболчи Хайдарали Турсунбоевга «Дўстлик» ордени, Ўзбекистон ноғиронлар терма жамоаси аъзолари — Муҳаммадасиз Арапов, Умарали Рустамов, Қудрат Тўраҳўжаевга «Жасорат» медали топширилди.

Маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам Ватанимиз байроғини янада юқори кўтаришга интилишини алоҳида таъкидладилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат



Суратда: (чапдан) терма жамоа аъзолари Муҳаммадасиз Арапов, Хайдарали Турсунбоев, Ўзбекистон ноғиронлар терма жамоаси бош мураббийи Рустам Қориев ва футболчилар Умарали Рустамов, Қудрат Тўраҳўжаев.

Жорий йил якунига ҳам санокли кунлар қолди. Касаба уюшма ташкилотлари ва фаолларимиз олдида турган кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимизни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсиясининг бўлажак V курултойи ҳамда тармоқ касаба уюшмасининг IV курултойи қарорлари асосида аниқ ва равшан қилиб белгилаб олишимиз керак.

2007 йилдан бошлаб тармогимизда тариф келишувларига асосланган жамоа шартномалари тузилган бўлиб, у айни вақтда таъсирчан фаолият юритишимизда жуда асосли бўлди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси IV курултойи ҳамда тармоқ касаба уюшмаси III курултойи қарорларида жамоа шартномаларини тармоқ тариф келишувларига мослаштириш масаласи қўйилган. Бу вазифа республикада биринчилар қаторида тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши, жумладан, вакилликимиз томо-

## Ижтимоий ҳимоя — бош масала

нидан ҳаётга татбиқ этилди. Тариф келишувларига мувофиқ корхона ва ташкилотларда ўртача иш ҳақини республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдоридан кўпайтиришга эришиш белгиланган эди. Бу тармоқдаги кўпгина корхона ва таш-

заводида носаноат соҳасида ишлайдиган ишчи ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 432 минг сўмини ташкил этди.

Курултой қарорларида қайд этилган мажбурий тибиб кўриқдан ўтказиш ва иш ўринларини аттестация қилиш жамоа шартномасида мустаҳкам-

лаб қўйилган. Шунга асосан айнан меҳнат муҳофазаси учун ўтган йили 8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

## Курултойдан курултойгача

моа шартномалари орқали 5 минг 600 нафар ходим соғлигини тиклаб олди. Бунинг учун 1 млрд. 820 млн. сўм сарфланди. Шунингдек, 13800 нафар фарзандларимиз ёзги оромгоҳларда дам олдирилди.

Касаба уюшмалари фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши ходимлар ўртасида маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил этишдир. Бу борада Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан биридир.

(Давоми 2-бетда)

## Янги Кун янгиликлари

«Бухоро гилам» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси юқори сифатли, бежирим маҳсулотлари билан халқаро бозордан муносиб ўрин эгалламоқда. Бу бевосита изланиш, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш самарасидир.

## Кредит эвазига

Яқинда корхонада яна бир янгилик сари қадам ташланди. «Агробанк»дан олинган кредит эвазига замонавий технология билан жиҳозланган акрил ип калавасини ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Натижада, 96 нафар кишининг доимий меҳнат билан шуғулланиши учун имкон яратилди.

И.ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Навоий вилоят ички ишлар бошқармасининг хорижий қишлоқ ва келиш, фуқароликни расмийлаштириш бўлими ҳамда манзил-маълумот бюроси янги маъмурий бинога кўчиб ўтди.

## Муносиб совға

Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ташкил этилиши муносибати билан бу ерга хориждан келиб-кетувчилар сони кескин ошиши ҳисобга олиниб, келиш-кетиш, виза муддатини узайтириш, фуқароликни расмийлаштириш ва вақтинча рўйхатдан ўтказишда барча қулайликлар яратилди. Замонавий услубда қурилган бинодаги хоналар компютер ва мебеллар билан жиҳозланган.

М. АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Сурхондарё вилоятида 2011 йилда «Баркамол авлод» республика спорт мусобақасининг финал босқичи ўтказилиши муносибати билан объектларни тайёрлаш ҳамда худудларни ободонлаштириш борасидаги вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси қўллаб-қувватланди.

## Тараддуд

Меҳнат жамоаларида ходимлар бир кунлик иш ҳақини вилоят фаровонлигини ошириш жамоат фонди ҳисоб-рақамига ихтиёрий ўтказиб бера бошлади. Бунда Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакиллиги, таълим ва фан, соғлиқни сақлаш ходимлари вилоят касаба уюшма кенгашлари ташаббус кўрсатишди.

— Мусобақалар бўлиб ўтадиган Термиз шаҳридаги «Алпоммиш» ўйингоҳи, «Делфин» сузиш ҳавзаларида капитал таъмирлаш, реконструкция ва безаш ишларига масъул бўлган касаба уюшма фаоллари ободонлаштириш ишларини бошлаб юбордилар, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Аҳмедов. — Шунингдек, Термиз шаҳридаги М-39 автомобил йўли атрофидаги касаба уюшмаларига бириктирилган худуд ҳам ободонлаштирилмоқда.

Р.ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

«Insonga naf keltirish — oliy baxt» республика танловига

## Касаба уюшмада ўзимни топдим

Асли Фаллаоролнинг Қоратош қишлоғиданман. Қишлоғимиз тоғли худудда жойлашган бўлиб, шундоққина уйимиз ёнидан «Қорасув» ариғи оқиб ўтар, асов тўқиллар ила ўйнашган митти балиқлар дилга ахиб гўлу соларди. Соатлаб жимир-жимир этиб товланган мавжларга термулиб уй сурар, ўқиган китобларим қахрамонлари хаёлимдан сира нари кетмасди. Шундай кезлари болаликдаги дўстларим Асқар, Уроқбой, Бозорбой келиб қолар, сузишда балиқлар билан беллашиб, қармоққа тушганларини чўғда пишириб еб, вақти чоғлик қилардик.



Кунларнинг бирида уйга кирсам, останада онам синик кийёфада турибди. У ҳалимдекки-на бўлиб, ҳадеб бизни тергайвермасди. Бунинг яна бир сабаби менгача беш фарзанди турмаган, шунинг учун исмиمنى ирим билан Турсун, деб қўйишган, шундан сунггина яна тўрт ўғил-қиз кўришган. Уша кунни онам охиста:

— Отанг қақираяпти, ичкарига кир, — деди.

Отанг тўшақка михланиб хас-тахол ётар, рангидан ранг қолмаганди. Қўлларини аста ушлаб, чексиз ҳасрат ва надомат билан юзимга бирпас қараб турди. Кейин зўрға:

— Ўқишларинг яхшимми, ўғлим? — деб сўради.

— Яхши, отахон.

— Зўр одам бўлман, десанг, кўп ўқигин, болам!

«Хўп», дегандек бошимни иргадим. Бўғзимга йиғи тижлиб келардик.

Уша машўм тун падари бузурворим дунёдан ўтди. Ешим 12 да эди. Отанг вафот этган кун болалигимдан ҳам айрилдим. Бош фарзанд эмасимизми, рўзгор юки елкамга тушди. Икки ука ва икки сингилни ўстириб, катта йўлга олиб чиқишда онам зоримга кўмақдош бўлдим. Далада, богда ишладим. Шу зайдда ёшим ҳам ўн еттига тўлди. Узим ҳақимда ҳам ўйламасам бўлмасди. Отаннинг «ўқигин», деган сўзлари қулоқларим остида жаранглаб турарди. Бадиий китоб-

ларни беҳад севар, мақсадим адабиётчи бўлиш эди. Афсуски, Самарқанд педагогика институтига киролмадим. 3-СМУга ишга кириб, индустриал билим юртининг кечки бўлимида тахсил олдим. Нон-насиба қаерда бўлса, инсон ўша ерда бўларкан. Шароит тақозосига кўра, Сирдарё вилоятидаги 3-ПМКда бир неча йил хизмат қилдим. Она қишлоғимдан анча нарида юриб, бироз оқ-қорани таниган, яхши-ёмонни ажратадиган бўлгандим. Дилимда мудраб ётган соғинч бош кўтарди ва киндик қоним томган масканга етаклади. Бундан онанинг, жигарларимнинг боши осмонга етди.

(Давоми 2-бетда)



## Ҳурматли муштарийлар!

2011 йил учун «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига обунда дам этмоқда.

### Демак...

Сиз обунда бўлишга кеч қолмадингиз. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, дунё саҳнида рўй бераётган турли воқеалардан хабардор бўлишни истасангиз, газеталаримизга тезда обунда бўлинг.

### Агар...

Бир йил мобайнида газеталаримиз билан узлуксиз ошно бўлишни хоҳласангиз, имтиёзли обунадан фойдаланинг. Агар шундай қилсангиз, 1 йиллик обунда тўловидан 15 фоиз ютган бўласиз.

Баркамол авлод — мамлакат келажаги

Битирувчиларимизга талаб катта



Маълумки, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қаррлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий мақсади таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, замонавий билимга эга мутахассислар тайёрлашга қаратилган. Шунга асосан, аввалги техникум базасида Бухоро нефт ва газ сананоати касб-хунар коллежи ташкил топди.

1999-2000 йилларда коллежнинг мавжуд ўқув бинолари капитал таъмирланди. Кўп ўтмай, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ёрдами билан 750 ўринли ўқув лабораториялари ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда таълим муассасасида 58 та ўқув ва 6 та лаборатория хонаси, 5 та устакхона, алоҳида полигон, 48460 нуска китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, 50 ўринли қироатхона мавжуд. 2 та компьютер хонаси, физика, астрономия, кимё, биология, электротехника, хорижий тиллар ўқув хоналари Жаңубий Корея ва Самарқанддан келтирилган замонавий ўқув-техник воситалар билан жиҳозланган.

Ана шундай имкониятларга эга коллежimizда ўқувчилар 9 та йўналишда назарий ва амалий билим олишади. Бида иш бевурич корхона, битирувчи ва коллежimiz ўртасида уч томонлама шартнома тузиш одат тусига кирган. Масалан, биргина 2009 йилда коллежнинг 538 нафар битирувчиси-дан 446 нафари иш билан таъминланди.

2010 йилда битирувчиларимиздан 50 нафари олий ўқув юр்தларига ўқишга қабул қилинган бўлиб, улар Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент филиалида, Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат молия институти, Бухоро давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, шунингдек, Россиянинг турли олий ўқув юр்தларида тахсил олишмоқда.

Еш, изланувчан, малакали мутахассисларга ҳамиша иш топилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, битирувчиларимизга талаб катта. Уларнинг аксарияти йирик нефт ва газ корхоналарида фидойилик билан меҳнат қилиб, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида муносиб ҳисса қўшаётганидан қувонамиз.

Замир АДIZOB, коллеж директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Айни кунда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган хусусий корхоналар сони ортиб бормоқда. Уларнинг фаолиятини таҳлил этиш натижасида мазкур жамоаларда ҳайдовчилар меҳнатини муҳофазалаш, уларга қулай иш шaroити яратиш ҳамда иш ҳақини ўз вақтида берилиши каби бир қатор масалалар Меҳнат кодекси талаблари даражасида олиб борилмаётганини маълум бўлди. Мазкур жамоаларда бошланғич ташкилотлар тузилса, юқоридаги камчиликларга барҳам берилаарми?

Ташкилот иш бошласа кўплаб муаммолар ечимини топади

— Инсоннинг табиати қизик, — дейди Ш.Тошўлатов. — Қайсидир ташкилотдан манфат кўрса ёки бошига ташвиш тушганда, корига яраса, ўша ерга меҳр қўяди. Шу боисдан фаолиятимизни ишчи-хизматчиларнинг оғирини енгил қилиш, уларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатишга қаратганмиз. Бу эса аъзолик афзалликларини асослашнинг энг яхши йўли жойларда бошланғич ташкилотларнинг фаоллигини оширишдир...

юшмалари Федерацияси кенгашининг «Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш ва нодавлат сектори ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш» тўғрисидаги IV мажлис қарорларини баҳара бориб, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирмоқдамиз. Вакилликнинг аъзо ташкилотлар фаолияти билан ҳар ойда ўтказилаётган семинарларида бу долзарб вазифа атрофида муҳокама этиляпти. Шунингдек, вакиллик ходимлари Янгийўл, Бекобод, Тошкент ҳамда Паркент туманларида ташкил этилаётган шахсий ташувчилар уюшмаларида бўлиб, аъзолик

Аъзолик афзалликлари

афзалликлари ҳақида ташвиқот олиб боришмоқда. Бундан ташқари, «Тошвилтранстерминал» автомобилда йўловчи ва юк ташувчилар ҳамда автотерминаллар уюшмасига аъзо бўлиб кираётган 40 дан зиёд корхона раҳбари билан мунтазам равишда мулоқот ўтказиб кели-

нинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донги чиқмас, деган нақл бор. Бу борада турли ташкилотлар билан қўлли-қўлга бериб ишлаш ҳам яхши натижа бериши, шубҳасиз.

ятимиздаги 9 та шахсий ташувчилар уюшмаси ишчи-хотимлари аъзоликка қабул қилинди.

— Бошланғич ташкилот тузилгач, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур. Шундагина унинг нуфузи ортиб, ишчи-хизматчилар ўртасида обрў қозонади.

Харакатларимиз самара бераётгани кишини қувонтиради. Бошланғич ташкилотлар фаолият бошлагач, меҳнат муҳофазаси ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммолари ўз ечимини топмоқда. Ҳайдовчиларга қулай иш ҳамда дам олиш шaroитлари яратилляпти. Маош ўз вақтида берилмоқда. Шундай ҳолатларни кўриб, ҳар бир етакчида ўз вазифасидан фархланиш ҳисси уйғониши, шубҳасиз.

«Ishonch» мухбири Неймат РАФИҚОВ суҳбатлашди.

Марказий ҳарбий округда ҳарбий хизматчилар учун қуриб битказилган замонавий уй-жойлар ўз эгаларига топширилди

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда миллий армиямизни ислоҳ қилиш жараёнида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Бу эса юртимизда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, мустақиллигимизни, мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий ахиллигининг ишончли қафолати бўлган Қуролли Кучларни барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг узвий бир бўлаги эканлиги тилга олиб ўтилди.



Нарзулла ФАЙЗУЛЛАЕВ (ўза) олган сурат

Муносиб рағбат

Ўрозали Эшонқулов раҳбарлик қилаётган «Бегимқул Элдор» фермер хўжалиги Оқолтин туманидаги донгдор меҳнат жамоаларидан саналади. Фермер хўжалигида бу йил пахта, пилла, галла бўйича шартномавий режалар ошғи билан бажарилди.

Жамоанинг ютуқларида Ўқтам Бегимқулов, Дилшод Турдиев, Абдуҳаким Алишеров каби аъзоларнинг улуши бениҳоя катта. Яқинда хўжалик ахлининг самарали меҳнати муносиб тақдирланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бир гуруҳ илғорлар ким-матбаҳо совғалар билан мукофотланди.

— Меҳнатимиз эътироф этилганидан бошимиз кўкка етди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Ўрозали Эшонқулов. — Рухимиз кўтарилиб, гайратимизга гайрат қўшилди. Айни кунда эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида келгуси йил мўл ҳосили учун замин яратилляпти.

Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерацияси томонидан Гулистон, Ховос туманларининг бир гуруҳ илғор фермер хўжаликлари ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Анорбой НОРКУЛОВ

Курултойдан курултойгача

Ижтимоий ҳимоя — бош масала

(Давоми. Боши 1-бетда) Мазкур ҳужжатнинг ижросини таъминлаш юзасидан вакиллик томонидан жойларда ўқув, давра суҳбати ва очик мулоқотлар ўтказиб бориляпти. Касаба уюшма ташаббуси билан «Муборакнефтегаз» УШК таркибидagi Помук, Зеварда, Аланг, Кўкдумалоқ цех касабаси уюшма кўмиталарида ўтказилаётган ўқув семинарларнинг мунтазам давом этирилиши кўзда тутилган. Жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари касабаси

уюшмалари фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этади. Ҳар йили тармоқ ходимлари ўртасида турли спартакиада, миллий кураш, катта теннис, шахмат-шашка, югуриш бўйича мусобақалар ўтказиш анъанасига айланган қолди. Лекин шунини таъкидлаш керакки, ҳали тармоқда спортнинг оммавийлигини таъминлашга тўлиқ эриша олганимиз йўқ. Бу борада жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, савдо-саноат палатаси, меҳнат ва аҳолини

ижтимоий ҳимоя қилиш идоралари, «Қамолот» ЕИХ ва «Маҳалла», «Нуроний» жамағармалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишимиз, кучларни ягона мақсад сари йўналтиришимиз лозим. Зеро, халқ ишончини оқлаш, ҳурматини қозониш давр талабидир.

Ж.ҚУРБОНОВ, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё сананоати геология ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакили

Эл соғлиги — юрт бойлиги

Кўп йиллардан буйин аҳолига юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келаётган Марғилон шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилиши, руҳий-маданий таъсир имкониятларидан унумли фойдаланиши билан мамлакатимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Кўргазмали семинар

Шифохонада вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан кўргазмали семинар ташкил этилди. Тадбирда вилоятдаги барча юқумли касалликлар шифохоналари бош врачлари ва санитария-эпидемиология маркази мутахассислари иштирок этишди.

Ийгилиш иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, шифохона бўлим ва бўлимчалари фаолияти билан яқиндан танишишди. Муолажа жараёни, санитария ва озиқ-овқат сифатини ўрганишди. Айниқса, гепатит касалликларида имунофермент — ИФА аппаратида қондаги вируслар шу жойнинг ўзидa аниқланаётгани ютуқлардан бири сифатида эътироф этилди.

Қатнашчиларда шифохона касабаси уюшма кўмитаси фаолияти катта таассурот қолдирди. Жамоа 2009 йили республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Экосан» Халқаро жамағармаси республика кенгаши томонидан юқумли касалликлар шифохоналари ўртасида ўтказилган кўриқ-танловда голийлигини эгаллаб, биринчи даражали диплом, 1 млн. 500 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланганди. Бу эса, шубҳасиз, 144 кишилик жамоанинг ахил ва фидокорона меҳнати маҳсулидир.

Мухаммаджон МАХМУДОВ

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танловига

Касаба уюшмада ўзимни топдим

(Давоми. Боши 1-бетда) Шу аснода Фаллаоролга қайтиб, 1980 йилга қадар ризиким қаерда бўлса, ўша жойда ишлаб юрдим. 1973 - 1979 йиллар Тошкент политехника институтини сирдан битириб ҳам олдим.

Ҳаётда омадсизман, деб куйиниш ношудларга хос. Агар инсон истаса, астойдил ҳаракат қилса ва изланишдан толмаса, манзил ошмай қуймайди. Касаба уюшмаларининг Жиззах вилоят кенгашига ўтганимда, ўрнимни энди топганимни ҳис этдим. Бу 1997 йил эди. Ўқсикнинг кўнглини олиш, эгилганининг бошини силлаш савоблар ичидан энг буюк савобдир. Соҳага туш-

ган меҳрим, меҳнатим кўпчилиқка маъқул келди шекилли, 2001 йилда Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашига тақлиф этишди. Тақдир йўлларим энди пойтахтга олиб келганди. Лекин туғилиб ўсган хонадонни эсдан чиқармадим. Ҳали айтиб ўтганимдек, тўнғич фарзанд бўлганим боис укаларим ва сингилларимга бош бўлдим. Ҳар ҳолда бу осон кечмади. Волидаи муҳтарамамиз 1994 йилда дунёдан ўтди. Унинг дуосини олиш, Аллоҳга шуқур, ҳар биримизга ҳам насиб этди. Укам Туроб Ниёз айни чоғда Ўзбекистон телевидениесидa хизмат

қилмоқда. Китоблари чиққан, танилган шоир. Бошқа укам, сингилларим-да, тиниб - тинчиб, эл-юрт хизматида юришибди. Ўз оилам ҳам фаровон. Турмуш ўртоғим Асалой билан беш нафар ўғил-қизни оқ ювиб - оқ тараб ўстирдик. Асалой ҳуқуқшунос, унинг таъсири кучли шекилли, ўғил-қизларимнинг барчаси шу соҳани танлашди. Балки набираларимдан бири бобоси изидан бориб касабаси уюшма хизматида бўлар...

Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, касаба уюшмага ўтиб, ўзимни топдим. Гапнинг ростки, ҳар куни кадрдон ишхонага кушдек учиб келаман. Савобини шоир қилиб олган кутлуг бу даргоҳда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Кумак ва наҳот сураб келаётганларнинг ҳеч бирини ноумид қайтарилмади ҳаққимиз йўқ. Баҳоли қудрат ёрдамлашамиз. Натижа чакки эмас. Айни чоғда фаолиятимизда уч муҳим йўналиш устувор. Булар бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат муҳофазасидир. Ўтган йилнинг ўзидa банкротлик ёки қисқариш оқибатида иш ўрнини йўқотган, иш топа олмаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож 10 минг 282 нафар кишининг квота бўйича ишга жойлаштиришга эришилди. Ойлик маош — бош ижтимоий ҳимоя. Шунинг учун ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш

масаласи ҳамиша эътиборимизда. Меҳнат муҳофазаси тасарруфи-миздаги ҳар бир ишхонада қатъий назоратга олинган. Сираси, ҳисобот даврида ушбу мақсад учун 52 млрд. 445 млн. 232 минг сўм маблағ сарфланди. Меҳнатқашларнинг ёзма ва оғзаки муружатлари ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, Навоий вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида ишлаётган бир гуруҳ ишчи-ходимлар иш ҳақларини ўз вақтида ололмаётганликларини маълум қилди. Ариза обдон текширилди ва масала ишчилар фойдасига ҳал қилиб берилди. Натижада иш ҳақидан, мукофот

ва моддий ёрдам пулларидан мавжуд барча қарзлар тўланди. Шунингдек, Шофиркон туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходимларига ҳам касаба уюшма аралашгач, қарзлар ундириб берилди. Нишон туманининг Талимаржон шаҳарчасида жойлашган 97 - сонли махсус механизациялашган кўча колонна жамоаси хонадонларидаги электр энергия ҳақи тўлови бўйича чигалликларни ечишда кўмак беришимизни сураб мурожаат қилганди. Елиб-югуришлар натижаси ўлароқ масала ижобий ҳал этилди. Хуллас, иш етарли, унинг бўлгани яхши. Куннинг кеч бўлганини ҳам сезмайсан киши. Назаримда меҳнатни суйиб, унинг роҳатини туйиб, қаторда юришининг ўзи бир бахт.

Турсун НИЁЗОВ, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг бўлими мудири

Сўраган эканмиз



Тахририятимизга «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ касаба уюшмаси кўмитаси раиси М.Зуфаров пластик карточкадан фойдаланиш ҳақида тўлиқ маълумот беришни сўраб:

«1. Иш ҳақи ва пенсия (нафақа)ни пластик карточкага ўтказиш мажбурий амалга ошириладими ёки ихтиёрий?

2. Пластик карточкадаги маблағни банк-коматлар орқали нақд пулга айлантириш миқдори чегараланганми?» мазмундаги саволлар битилган хат йўллаган эди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари У.Мустафоев номидан саволларнинг баътафсил жавоби илова қилинган хат олдик. Қуйида уни эътиборингизга ҳавола этамиз:

«1. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ўзининг ихтиёрий аризасига кўра ойлик маоши, пенсия ва нафақа пулларининг бир қисмини ёки тўлиқлигича миллий валютадаги пластик карточкага ўтказиши мумкин.

Қайд этиш лозимки, тижорат банклари томонидан пластик карточкаларнинг фойдаланишга берилиши тижорат банки ҳамда унинг миҳозлари ўртасида ёзма шаклда тузилган шартномага асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354-моддасига кўра шартномалар икки томоннинг келишуви асосида эркин тузилади. Пластик карточкадан фойдаланиш бўйича шартнома тузишга мажбур қилиш мумкин эмас.

Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2009 йил 10 августда бўлиб ўтган йиғилиш баёнида Республика давлат бошқаруви органлари, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларида ўз аппарати ва тасарруфидаги барча корхона ва ташкилотлар ходимларининг ойлик иш ҳақи тўловларининг 50 фоизини 2009 йил август ойидан бошлаб пластик карточкалар орқали тўлашни юзасидан қарор қабул қилинган.

2. Тижорат банклари томонидан пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш мақсадида янги тарифлар ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда барча тижорат банклари мазкур янги тарифлар бўйича пластик карточкалар асосида ҳисоб-китобларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли қарорининг талабларига асосан тижорат банклари томонидан аҳоли ва ҳўжалик юртувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банклардаги депозит ҳисобварақларга жалб этишни рағбатлантириш ҳамда биринчи талаб бўйича уларнинг ҳисобварақлари (жисмоний шахс пластик карточкалари)дан нақд пуллар чекловсиз берилиши белгиланган».

Раҳим бобонинг бир ойдан бери тинчи йўқолган. Касал бўлиб, касалга ўхшамайди, соғ деса, соғлиги ҳам жойида эмас. Дили қаттиқ оғриган. Кампири, фарзандлари атрофида ҳар қанча гирдиқапалак бўлмасин, ҳеч бири унинг ғамини аритолмаяпти.

Меҳр дарахти

— Кишининг ғайрати қариғанда сўнгани маъқул экан. Ёшлиқдагидек янгиликка иштиёқ жўшиб турса, одамларга, айниқса, ёшларга эрмак бўларкансан киши. Йўқса, шу аҳволга тушиб ўтирармидим, — ўйлади у ётган жойида.

Бобонинг ҳовлиси қишлоқнинг четида жойлашган. Орқа томонида бир пайтлар катта ййлов, ўнқир-чўнқир ерлар, беш юз метр нарида яккам-дуккам, бетартиб ўсган дарахтлар кўзга ташланарди. Энди бу ерлар обод қилиниб, қишлоқ ҳўжалиги экинлари экиляпти. Атрофи катта ҳовузга айланган кетган бўлоқдан милдираб сув чиқиб туради. Ана шу ҳовуз атрофида кундан-кун кўкка бўй чўзаётган чинорлардан ярми қолибди бугун. Чунки...

Раҳим бобо шу атрофини обод қилмоқчи бўлиб, катталардан руҳсат сўради. Ҳатто замонавий тадбиркорлар сингари «бизнес режа»сини ҳам тузиб олиб, раҳбарларга кўрсатди. Балиқчилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун яхшигина имконият борлигини исботлаб берди. Фермер ҳўжалиги ташкил этишини айтди. Отанинг шижоатига қараб бу ишни эплашига ишониди. Қолаверса, у олий маълумотли иқтисодчи, ёшлиғида масъул лавозимларда хизмат қилган, қишлоқ ҳўжалигини чуқур билиши маълум эди.

Раҳим бобо ишни кўчталарни кўпайтиришдан бошлади. Юз туپ чинор, юз туپ терак кўчати ўтказди. Ниҳоллар дарахта айланганда экин майдонини гармселдан ҳимоя қилиши кўзда тутилганди. Йигирмата зотли қорамол олиб, фермер ҳўжалигини ривожлантирди. Ҳаммаси яхши бораётган бир пайтда унга айтмай-нетмай, ҳўжаликни олиб қўйишди. Бобо бу тушунмовчилик сабабини излаб тасаддиларга мурожаат қилди. Аммо мавҳум гапдан бошқа нарса ололмади. Ҳафсаласи пир бўлиб юрган кунларда қадрдони Соли буваннига чиқди.

— Эй, колтоқдек у эшикдан бу эшикка югуриб юргунча, тинчгина уйингда ўтирсанг бўлмайдингми? — овозини баландатди гапирди Соли бува ўртоғини аяб ўтирмай.



— Нима қилай, юрагим сиқилади, кун билан уйда ётишни менга чиқармаган, — деди-да ўртоғининг гапига қўл силтаб, уйига қайтди.

«Ҳеч бўлмаса яхши гап билан сўраб олганларида ҳам бошқа гап эди. ...Сабабини ҳам кўрсатишолгани йўқ. Чунки режалар яхши ба-

ишидан воз кечолмайди. Аммо Раҳим ота катта неварасини ёнига олиб, уч-тўрт йил ичида анча ишга улгуришганди. Нева-раси олийгоҳга киролмай сиқилиб юрганда, бобоси билан шу ишларга овуниб, қишлоқ ҳўжалиги қизиқиб қолди.

— Ҳўжаликни келажакда сен бошқарсан, — дерди бобоси.

Бобо умидини бутунлай узиб, борган сари сўйиб борарди. Ёши бир жойга борганда шундай кўргиликлар ҳам бор эканда бо-шида.

Тушкун кайфиятда нима қиларини билмай турганида хўшхабар олиб келишди. — Ота сунчи беринг, обод қилган ёрингиз ўзингизга қайтарилибди. Ерни эгаллаб олган фермернинг ҳўжатлари сохта экан, юқоридан келган текширишда ҳаммаси аниқ бўлибди. Бунинг устига у илгари бирор марта режасини уддаламаган экан.

Кичик ўғилнинг бу хабари ёмғирга зорикқан, дилдираб қолган майсани сув билан қондирган каби отага қайта жон бағишлаб, яшатиб юборди. Кесилган чинорлари қалбига қайта куртак чиқарди гўё. Беихтиёр яна кўзи-га ёш келди.

— Э, қариганингда кейин кўнглинг ҳам бўшаб қоларкан-да, — деди-да, даст туриб, даласи томон кетди.

Холида ФАЙЗИЕВА, журналист

Қатра

жарилаётгани...» Бобо ўртоғига айтиши керак бўлган гапларни ўзига ўзи айтиб, йўл-йўлақай гудраниб борарди.

Уйига етиб келгач, эшитган хабари уни жинни қилаёзди. Ҳўжаликнинг янги эгаси чинорларни каллақлаб ташлаётганмиш. У овёгини қўлига олгудек бўлиб, ҳовуз томон югурди. Борса, ҳеч ким йўқ. Элликтан чинор қингир-қийиқ қилиб кесиб олиб кетилган. Бобо фарзандидек азиз бўлиб қолган дарахтларининг аҳволига бироз жавдираб қараб турди. Беихтиёр кўзларидан тиркираб ёш чиқди...

Шундан бўён уйдан чиқмай ётибди. Фарзандлари бари олий маълумотли, ҳўжаликни бошқаришга уларда вақт ҳам, хоҳиш ҳам йўқ. Ҳаммаси ҳам ўзининг сеvimли

Кўли очик ҳожи бобо

Ўқтам ҳожи Қаландаров Узун туманидаги «Меҳнат» маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Етмиш ёш остонасида турган нуруний узок йиллар мактабда жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, мактаб директори, туман спорт кўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатган.

Директорлик вақтида икки қаватли ўқув биноси қурилди. Бюг ташкил этилди. Спорт кўмитаси раиси бўлиб ишлаганда эса туман марказидаги 10 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ қурилишига бош-қош бўлди. «Меҳнат» маҳалласига раислик қилган кезлари ҳам кўп хайрли ишлар ташаббускори бўлганлигини хануз миннатдор бўлиб ёдга олишди.

Беш йилдан бўён нафақада бўлишига қарамай, отахон бир зум тиним билмайди. Ҳар йили ўзига қарашли тўйхонда 15-20 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат ҳамда

висол тўйларини бепул ўтказиб беради. У тадбиркор ва меҳнатсевар ўғиллари Исқандар, Отабек, Шўхрат, Фуркат, Ойбек, Музаффар билан биргаликда тумандаги «Меҳнат», «Сурхон боши», «Маландиён», «Янги рўзгор» маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кам таъминланган оила фарзандларига 2 млн. сўмлик кийим-бош ҳадя қилиш баробарида, камҳарж оилаларга 12 тонна бугдой ва 12 та қўй тақдим этди.

Ҳаста кўнгиладан ҳол сўраш, уларга имкон қадар ёрдам кўрсатиш ва меҳр-муруват улаштириш ҳамма ҳам қодир эмас. «Кўли очик ҳожи бобо» деб ном олган Ўқтам Қаландаров учун эса умрини савобли ишлар билан беэшиқ олатий хол. Ҳар уни савобга йўрилган отахон қабилар сафи ошиб бораверсин.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» муҳбири

ва ISAF чеклашган ҳарбий қўшинлари 70 минг кишини ташкил этади. У ерда 42 давлат ҳарбийлари жойлаштирилган. Ҳар йили БМТ хавфсизлик кенгаши Афғонистондаги ҳарбий миссиясини узайтириш ҳақида қарор қабул қилмоқда.

Президентимиз Ислам Қари-мовнинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш учун «6+3» шаклидаги мулоқот гуруҳи тузиш таклифи дунё ҳам-jamiyати томонидан илқ кутиб олинди. Зеро, дунё аҳолиси бу ўлкада тинчлик, барқарорлик ўрнатилишини истайди.

А. ПЎЛАТОВ

Президентимизнинг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобил транспортда йўловчилар ташиш фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ҳамза туман ДСИ томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.



Мазкур қарорда автомобил транспортда йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарларора, халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган. 2010 йил 1 октябр ҳолатига кўра автотранспортда йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланувчи корхоналар

Йўловчи ташиш қонунийми?

сонини Ҳамза туманида 24 тани ташкил этган. Ходимларимиз шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарларора, халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган. 2010 йил 1 октябр ҳолатига кўра автотранспортда йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланувчи корхоналар

Солиқ идораларида

шумлари тахлили назоратга олинган. Транспортда йўловчи ташиш билан шугулланув-

ган молиявий ва солиқ ҳисоботи, шунингдек, солиқ тўлов-чининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳўжатларни ўрганиш ҳамда тахлил этиш асо-сида амалга ошириладиган на-зоратдир.

Камерал назорат солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан давлат солиқ хизмати органи жойлашган ерда амалга оширилади».

Шунга асосан туманларда йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланувчи корхоналарга жалб этилган транспорт воситаларининг сони доимий назоратга олинган.

Г.ТУРСУНОВА, камерал назорат бўлими бошлиғи

Менинг йўлчи юлдузим

Ёз оқшомлари. Сомон сувоқ супада ака-укалар онамининг бир томонида, опам ва синглим иккинчи томонда ёшимизга қараб тизилиб ётардик. Уйкуга кетганимизча катталар эртақ айтишар, бир муддат ҳамма истаклар ижобат бўладиган сеҳрли эртақлар олами барчамизни оғушига сингдириб оларди. Тун узун, кимдир янги эрмак топади:

— Қани, етти қароқчинини ким биринчи кўрсатиб беради? Аслида у дастлаб етти қароқчинини кўзи билан мўлжаллаб олган, бизга эса янги ўйинни тақлиф этган бўлиб чиқди. — Етти оға-чини, етти юлдуз, етти маротаба санасанг савоб бўлади... Уйининг энг оғир шартини шу сўзларни нафас олмасдан етти бор такрорлаш керак. Бир зум-да қий-чув бошланиб кетади:

— Эй, фирромлик қилма, нафас олдинг-ку. — Уйиндан чиқдинг. — Энди менинг навбатим. Эрмаклар ўрин алмашинаверади, ҳар ўзгарганида киминдир уйку элигдан бўлади. Кенжатой укамнинг кўзи илингандан фойдаланиб, онамининг иссиқ кучоғига кираман, негадир менинг кўзларим юмилишига юлдузлар жимири йўл қўймайди. «Вой-бў, бунчалик кўп бўлмаса улар», осмоннинг қайси-дир буржидида юлдуз чақиндек кўк бағрига из солиб сўнади. — Уф-ф, — дейди онам чуқур хўрсиниб, — ҳарна кофирнинг бо-

шига бўлсин-да. — Нега ундай дейсиз, — сўрайман қизиксиниб. — Айтишларича, фалақда ҳар кимнинг ўз юлдузи бўларкан, кўзда юлдуз учганда қайсидаир инсоннинг ҳаёти поёнига етармиш... Онамининг мулоҳазалари сабаб фалақдан ўз юлдузини қидиришга тушманан, бошқаларидан шуъладорларини отамга, ака-укаларимга, опам ва синглимга тақсимлайман, негадир ҳар қанча энг ёрқин юлдуз онаминики бўлиб чиқаверади, гўё таратаётган нури волидам алласига мо-

нандек, ярим тун иссиқ бағир ва шу ёғду сеҳрида уйкуга кетаман... Орадан йиллар ўтди. Улғайдим. Уч ўғил, уч қизнинг отасиман. Қайси кун иситма забтига олиб, ётиб қолдим. Тун билан алаҳсираб уйдагиларга уйку бермабман. Тонга яқин кўзим илқинибди. Юзимни силаган гадир-будир, аммо меҳри-бон илққан кафт тафтидан кўз очаман... Онам! — Яхши бўлиб қолдингми, бо-лам, ўзингга қараб, иссиқкина кийиниб юрсанг бўлмайдингми?... Онам жони ачиб нималариндир


гапирарди, мен эса ўзим учун азиз ва мўътабар зотнинг чуқур ботган кўзларига, бироз сўлгин тортган чеҳрасига тикиламан ва беихтиёр шивирлайман: «Рост экан». Бундан беш-олти кун илгари эрталаб ишга отланаётганимда кенжа қизим: — Дада, момом касал ётибди-лар, — деганди. Мен эса индамайгина йўлимга кетган, кўп ўтмай унинг айтганларини унутгандим. Ҳар кун ҳовлига неча бор кириб қиксам-да онамининг ҳужрасига бурилиб, хол сўрашга бир муддатгина вақт

топмабман-а. Ўз волидаси қад-рлига етмаган фарзанд, мен кимман ўзи?... Кечки пайт, фалақда юлдузлар бир-бирига кўз қисиб ўйнашар, аммо дилда олдинги тўйғу йўқ, уларга беварққина қарайман, етти қароқчи ҳам, энг ёрқин сай-ёралар ҳам эътиборимни тортол-майди, ўз юлдузинини ҳам қидир-майман, мен уни аллақачон кашф этган ва йўқотишга ҳам ул-гурган эканман. У бир умр ёнги-намда гоҳ сезилиб, гоҳ сезилмай менга ҳамроҳлик қилган экан: Онам менинг юлдузим экан... Абдунаби АБДИЕВ

Хотира

Сайқал топаётган санъат

Ўз хунари — терига расм ишлаш билан кўплаб муваффақиятларга эришиб келаётган ёш хунарманд Фирдавс Бердиев истеъдодли ёшлардан биридир. — Бу хунар ҳаётининг мазмунига айланди, — дейди Фирдавс. — Дастлаб, отамдан кулолчиликни, кейинчалик заргарлик ва терига расм ишлаш сир-асрорларини ўргандим. Меҳнат қилган инсон албатта юзага чиқади. Фирдавснинг ҳаракатлари ҳам зое кетмади. 2002 йилда Қозоғистонда ўтказилган Марказий Осиё хунармандлар кўргазма-ярмаркасида унинг ижоди юксак эътирофга сазовор бўлди. 2005 йили «Келажак овози» кўрик-танловида иштирок этиб, танловнинг миллий хунармандчилик номинацияси бўйича вилоятда фахрли биринчи ўринни олган ёш истеъдод эгаси 2009 йилнинг 8-9 май кунлари Хива шаҳрида ташкил этилган «Асрлар садоси» фестивалида мазкур йўналиш бўйича қатнашиб, мутлақ ғолибликни кўлга киритди. Назира БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири



Мулоҳаза

Тинглаш маданияти кимда қандай шаклланган?

Ўзбек санъати, муסיқаси тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишини кўпчилики билади. Миллий чолғуларимиз таърифи азалдан етти иқлимга машхур. Айтишларича, юртимизга жосуслик ниятида келиб, маҳаллий савдогар қиёфасида юрган сайёҳни айнан қўшиқ тингланаётган чоғда пайқаб қолишган. Чунки Шарқда азалдан муסיқани охишта, чайқалиб тинглашган... Шу ривоятданок ажодларимизнинг ақл-зақоси баробарида муסיқа тинглашдаги ўзига хослигини англаш мумкин. Вақт ўтиши билан қарашлар, дид ва мезонлар ҳам ўзгариб боради. Бунини санъатда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, бугунги муסיқамиз кечагисидан кескин фарқ қилади. Яшн кўшиқлар талайгина. Афсуски, меъёрига етмаганлари ундан-да кўп. Дарҳақиқат, шунча танқид танбеҳларга қарамай, маза-матрасиз «қўшиқ»лар камаймаяпти. Лекин айбни фақат «юлдуз»лардан кидириш тўғримиас. Аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, аудитория айнан шундай «шоққин»ларни талаб қилаётгани ҳам бор гап. Биз «Шашмақом»ни ҳар қанча улуғлаганимиз билан фарзандимиз ўзбекча «рэп»ни эшитиб ўтираверади. Нема? Нима учун? Бу давр талабимиз ёки оилада, мактабда, кўча-кўйда, ОАВда миллий муסיқа тарғиботининг сустлигиними? Шуларни ўйлаганимда раҳматли бобомнинг бир гапи ёдимга тушади: — Болалигимизда бирор тўйга Абдулазиз

хофиз келармиш, деб эшитсак, яқинми-узоқми, отдами, пидедами бораверардик. Хофизнинг ширали хоншини эшитмагунча қайтмасдик. Абдулазиз Абдурасулов ҳаётлик чоғида бобом нари борса ўн икки-ўн уч ёшли ўсмир бўлган. Демак, ўша пайтлар шу ёшдаги болалар «Бозиргон», «Самарқанд ушшоғи», «Қурбон ўлам»ни севиб тинглашган. Катта авлод вақиллари ҳозир ҳам Қомилжон Отаниёзов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Фаттоҳжон Мамадалиев, Орифжон Ҳотамов, Таваккал Қодиров сингари хофизлар ижросидаги кўшиқларни сел бўлиб тинглашди. Чунки муסיқа инсон руҳига энг осон йўл топиб, қадрдон хотираларни уйғота олиш қудратига эга. Нахотки, ҳозирги қони қайноқ ёшлар кексайган чоғида ҳам «Ҳамён тўла миллион»ни ёшларга «мумтоз санъат намунаси» сифатида кўрсатса? Ўша вақтга бориб «Чўли Ироқ»ни, «Тановар»ни ҳиз этадиганлар, сеҳрига асир бўладиганлар қолмаса? Кўнгилда миллийлардан бир умид бундай бўлмаслигига ишонтиради бизни. Зеро, биз юксак маданиятга эга халқнинг ворисларимиз. Шундай экан, наинки муסיқий меросимиз, миллий санъатимизни, балки муסיқа танлаш ва тинглаш маданиятини ҳам тўла-тўқис шакллантиришимиз, юксалтиришимиз ва сақлаб қолишимиз зарур. Мен бунга ишонман.

Сожида АЛЛАЁРОВА, Қарши маданият коллежи ўқитувчиси

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» республика танловига

Тўмарис издошлари

«Тўмарис издошлари» журналист аёллар клуби қошидаги маҳорат мактаби тингловчилари орасидан кўлаб истеъдодлар кашф этилмоқда. Қуйида улардан уч нафари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Орзулари осмон қиз

Бугун ёшларга катта имкониятлар яратилган. Нилуфар Ражабова улардан унумли фойдаланаётган ёшларимиздан биридир. Бадиий ижодга қизиққан Нилуфар 9 ёшидан шеърлар машқ қилишни бошлаган. Кейинчалик нутқининг равлонлиги ва журналистикага лаёқати туфайли унга Хоразм телевидениеси тахририяти «Камалак» студияси кўрсатувларига бошловчилик қилишни таклиф қилди.

Илк шеърлари «Тўмарис авлодлари» китобида, «Ishonch» ва «Тонг юлдузи» газеталарида чоп этилган. Профессонал журналистикадаги фаолиятини 2008 йилдан «8-канал» хусусий телеканалида бошлаган. Бу ерда «Ўзбекийм» кўрсатувини олиб боришдан ташқари, турли роликлар ишлашда фаол қатнашиб келади. — Нилуфар, ёш бўлишингизга қарамай томошабинлар юрагидан жой олиб улгурдингиз. Муваффақиятингиз сирини нимада деб ўйлайсиз? — Бунда ҳеч қандай сир йўқ. Муваффақиятга эришиш учун авваламбор орзу, холис ният ва ҳалол меҳнат бўлса бас. Омад изингиздан эргашиб келаверади. Лекин шунча аям айтиб қўяйки, журналистика соҳасида фаолият юритишда иқтидорнинг ўзи камлик қилади. Ўзим хоҳлагандай мутахассис бўлиш учун назарий билим олишим, олийгоҳни тамомлашим шарт деб ўйлайман.

— Сиз бошловчилик қилдингиз «Ўзбекийм» кўрсатувини лойиҳаси кимга тегишли? — Биласизми, аёлларимиз қизиқиларми, ҳаёти, орзу-ўйларини ҳақида кўрсатув қилишни илгаридан ўйлаб юрдим. «8-канал»да фаолият бошлаган келарми, шу кўрсатувнинг аввали муаллифи Севара Матқаримова менга дастурини давом эттириш таклифини билдирди. Ҳаяжон билан қабул қилдим. Жамиятимизнинг турли жабҳаларида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар, умуман ўзбек аёлнинг тараққиётимизга қўшаётган ҳиссасини батафсилроқ ёритишни асосий мақсад қилиб қўйганман.

— «Гурун» газетаси «Экс-кюзив гурун» саҳифасининг муаллифи сифатида ҳам ном тартангансиз... — Газетанинг ҳар сонидикидор эгалари билан суҳбатлашиб, санъат шинавандаларининг кўнглига йўл топишга ҳаракат қиламан. Олдимга катта мақсадлар қўйганман. Газетада ҳам, телевидениеда ҳам бир неча қизиқарли гоёларни амалга оширишни режалаштирганман.

«Оқ кабутар»

Ойдиной қалби қайноқ, жўшқин қиз. Уни осмонга ларвоз этаётган оқ кабутарга ўхшатаман. Кўп қиррали истеъдод соҳибаси Ойдиной Абдушарипова 1997 йилда Урганч туманида туғилган. Бобоси Абдушариф Дўстобоев кўп йиллар Огаҳий номидаги вилоят муסיқали драма театрида ишлаган. Бувиси Роҳатой Отабекова 12-умумтаълим мактабида ёшларга сабоқ берган. Вилоят нашриётида «Янги тонг қувончи» ва «Бахт учқун» шеърый тўпламлари чоп этилганда, Ойдинойга қўшилиб бутун оила қувонди.

Астойдил интилиши ва тиришқоқлиги Ойдинойга ойдин йўл кўрсатди. У 2008-2009 йилларда вилоятда ўтказилган Ўзбекистон маданият ва санъат форуми жамғармаси ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти томонидан ўтказилган «Янги авлод» фестивалида фаол иштирок этиб, республика босқичига йўлланма олди. Қишлоқда бувиси билан ташкил этган «Кўзмончоқлар» дастаси ҳам камолотига ижобий таъсир қилди. Қишлоқнинг йигирмадан зиёд ўғил-қизи бу ерда Нафқат шеърыйат ва санъат, балки зардўзлик, тикувчилик сирларига ошно тутинибгина қолмай, спорт билан ҳам шуғулланиб, ўз иқтидорини намойён этмоқда. Уларга туман ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт бўлими, Ижодиёт маркази ва Чаккашолокор фуқаролар йигинининг масъул ходимлари кўмак беришди. Қувончли томони шундаки, жорий йилнинг август ойида даста аъзолари Бухоро вилоятида бўлган «Болалар фольклор фестивали» кўрик-танловида фаол иштирок

этиб, республикада фахрли 3-ўринга сазовор бўлди. Сентябрь ойида бўлиб ўтган «Ўзбекистоннинг етти мўжизаси» республика ёш ижодкорлар танловида Ойдинойнинг иншоиси 1-ўринга лойиқ топилди.

Ойдиной икки йилдан буён маҳорат мактабимизнинг фаол аъзоси ҳамдир. Яқинда у «Янги авлод» болалар ижодиёти анъанавий фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ёшларимиз мумтоз ракс, миллий чолғу, тасвирий санъат, шеърыйат, адабиёт ва театр бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Фестивалда илк бор иштирок этаётган Тўхтажон Полвонова ҳаяжондан титраб турарди...

Ойдинойнинг дугонаси

Яқинда Огаҳий номидаги вилоят муסיқали драма театри биносида карнай-сурнай садолари остида «Янги авлод» болалар ижодиёти анъанавий фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ёшларимиз мумтоз ракс, миллий чолғу, тасвирий санъат, шеърыйат, адабиёт ва театр бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Фестивалда илк бор иштирок этаётган Тўхтажон Полвонова ҳаяжондан титраб турарди...

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилоят бўлими котиби Гавҳар Ибодуллоева бошлиқ ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг билимларини синаш учун уларни савол-жавобга тутишди. Ниҳоят, 30 нафар ёшдан 8 нафари сараланиб қолди. Улар орасида икки дугона — Тўхтажон Полвонова ва Ойдиной Абдушарипова бор эди.

Тўхтажон 1997 йилда Урганч шаҳрида дунёга келган. Билим-чанқоқ қиз мактабда аълочи, жамоат ишларида фаол бўлиши билан бирга, шеър машқ қилади. 2009 йилда «Хоразм» нашриёти томонидан «Болалигим — беғуборлигим» шеърый тўплами чоп этилган. Журналистикага жуда қизиққан Тўхтажон вилоят «Камолот» ЕИХ ташкил этган «Камолот нихоллари» кўрсатувии дастури муаллифи ва бошловчиси сифатида ҳам ўз маҳоратини намойиш этмоқда. Бугун у мактабда аълочи, жамоат ишларида фаоллиги билан ўз тенгқўрларига намуна бўлмоқда.

Шарқия ЭШЖОНОВА, «Тўмарис издошлари» журналист аёллар клуби раиси

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and office details.

Спортчиларимиз Хитойга йўл олишди

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 12-27 ноябр кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида XVI Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли спорт анжумани-

да юртимиздан ҳам вақиллар иштирок этади. 2009-2010 йиллар даврида XVI Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олган спорт турлари ўсиш динамикаси таҳлил қилиниб, 224 нафар спортчи XVI Осиё ўйинларида иштирок

этиш учун саралаб олинди. Терма жамоа аъзолари 22 та жаҳон кубоғи, 53 та халқаро турнир, 48 та жаҳон ва Осиё чемпионатида синовдан ўтиб, 22 та халқаро ўқув машғулот йигинида иштирок этишди. Умидбахш тахмин-


лар айтилаётгани ҳам бежиз эмас. Айниқса, байдарка, канозда эшик эшиш, кураш, дзюдо, трамплин, спорт гимнастикаси, бокс, енгил атлетика турлари бўйича имкониятлар юқори баҳоланмоқда. Таъқидлаб айтиш лозимки, 2012

йилда Лондонда (Буюк Британия) бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик қўриш дастурининг 1-босқичи XVI ёзги Осиё ўйинлари якуни билан тугайди. Мамлакатимиз спорт делегацияси бугун Хитойга жўнаб кетди.

Яна икки кундан кейин, яна ҳам тўғрироғи, 12 ноябрда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида XVI Осиё ўйинлари баҳслари бошланади. Унда иштирок этадиган жамоаларимиздан умидимиз катта. Яқинда «Динамо» спорт-соғломлаштириш мажмуасида бўлиб, иқтидорли спортчи, дзюдо бўйича бир неча бор халқаро турнирлар ғолиби Дилшод Орипов билан сўнгги тайёргарлик хусусида суҳбатлашдик.

Дилшод Орипов:

Ватан шаъни учун бор имкониятни ишга соламиз



— Тайёргарлик машғулотларини аллақачон бошлаб юборгандик, — деди суҳбатдошимиз. — Яқинда махсус режа асосидаги машқлар лойиҳага етказилди. Тўрт босқичдан иборат тайёргарликнинг биринчиси «Янгиобод» спорт мажмуида, иккинчи босқич «Динамо»да, учинчиси яна «Янгиобод»да ва ниҳоят тўртинчиси «Динамо»да ташкил этилди. Мураббийим Равил Бектеков ва терма жамоа мураббийи Александр Доктуршвили бошчилигида терма жамоамиз аъзолари каби мен ҳам тактик ва руҳий жиҳатдан тайёргарлик ишларига катта эътибор қаратдим. Бундан ташқари, Озарбайжон давлати спортчилари ҳам мамлакатимизда меҳмон бўлишди. Ҳар

ҳолда ҳамкорлик яхши-да. Улар билан доимий алоқа йўлга қўйилган бўлиб, бир сафар улар мамлакатимизга келса, босқич сафар бизларни улар кутиб олади. — Узингиз иштирок этган жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирлар ҳақида... — Спортда кўлаб мусобақаларда қатнашиб, нуфузли спорт анжуманларида тажриба орттирдим. Жаҳон ва Осиё чемпионати, Олимпиада ўйинларида совриндорлар сафидан жой олдим. Барча мусобақалардан медалларим бор. Насиб этса, Хитойдан олтин медал билан қайтишни мақсад қилганман. Ундан сўнг, бор диққат-эътиборимни 2012 йилда Лондонда бўлиб

ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига қаратаман. — Терма жамоанинг тайёргарлиги қандай бўлди. Медалга даъвогарлар кўп бўлса керак-а? — Миллий терма жамоамизнинг тайёргарлиги кўнглидагидек. Медалларга келсак, олдиндан бир нарсга дейиш қийин. Лекин Ватанимиз шаъни учун бор имкониятимизни ишга соламиз ва ўйлайманки, юртимизга ёруғ юз билан қайтаемиз. Мусобақада 55, 60, 66, 74, 96, 100, 120 кг. вазн тоифаларида вақилларимиз медал учун кураш олиб боришади. — Айни пайтда Осиё ўйинларидан ташқари яна қандай мусобақаларда иштирокингизни кўришимиз мумкин? — Жорий йилда фақат Осиё ўйинлари. Бошқа мусобақалар ҳозирча йўқ. Лекин Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун 2011 йилда Туркияда жаҳон чемпионати ташкил этилади. Ушбу нуфузли мусобақада қатнашиб, Лондонга йўллангани кўлга киритишга тўғри келади. Бу фақат кулли саккизликка кирган спортчиларгагина насиб этади. Уз ўзидан кўриниб турибдики, рақибат ҳам шунга яраша бўлади. — Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён нечанчи маротаба Осиё ўйинлари баҳсларида иштирок этапсиз? — Бу гал тўртинчиси. Бангкокда тўртинчи ўрин, Жанубий Корейда иккинчи ўрин ва Қатарда ташкиллаштирилган мусобақада

учинчи ўринни кўлга киритганман. Эътибор берган бўлсангиз, Осиё ўйинларида олтин медалим йўқ. Хитойда ушбу бўлишқини тўлдиришни ният қилганман. — Усиб келатган ёш спортчилар ҳақида қандай фикрдасиз? — Албатта, спорт соҳасига катта-катта орзулар оғушида қадам қўяётган ёшларимиз жуда кўп. Қайси спорт турини олмаг, келажакимиз эгалари бор меҳрлар билан спортга ошно тутилишган. Уларнинг ҳаракатлари ва ўзларига бўлган ишончларини кўриб, фақат ҳавас қилиш мумкин. Бир сўз билан айтган-

да, ёшларимиз ўзларининг келажакини ўзлари белгилайди. Барчаси интилишга боғлиқ. Бизлар ҳам бир пайтлар ёш бўлганмиз. Машхур спортчиларни, Осиё чемпионлари, жаҳон чемпионлари, Олимпиада ўйинлари ғолиб ва совриндорларини кўрганимизда, уларга ҳавас қилардик. Келажакда бизлар ҳам уларга ўхшаб катта-катта спорт анжуманларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя этиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтишни ният қилардик. Энг муҳими, ҳозирги ёшларимиз анча зийрак ва тиришқоқ. Улар бошданок танлаган йўлларидадан оғишмасдан тўғри кетишса, ўйлайманки, ниятларига, албатта, эришадилар. Мисол учун, яқинда Сингапурда бўлиб ўтган биринчи ўсмирлар олимпиадасида икки нафар ёш дзюдочиларимиз Нурбек Ҳаққулов ва Руслан Комиловлар муваффақиятли иштирок этиб, барчани хурсанд этишди. Мусобақа низомига мувофиқ бир давлатдан икки нафардан спортчи белгиланган эди. Биздан қатнашган икки нафар спортчи ҳам юртимизга медал билан қайтди. Бу Хитойга сафар олдидан яхши аломат.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

Тошкент шаҳар Ял்கасарой тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган «BILL BIZNES SERVIS» МЧЖ ўз устав фондини 24120000 сўмдан 25000000 сўмга камайтирилаётганлигини маълум қилади. Маълумот учун тел: 340-05-01.